# ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

**Республикамиз мустақилликка эришгач, ер юзида уни кўплаб давлатлар тан олмоқда, иқтисодий, сиёсий ҳамкорлик қилмоқда. Ана шу мустақиллик туфайли топталган қадриятлар, миллатнинг азалий орзулари рўёбга чиқди. Чунончи, ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши, Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши, хуллас, буларнинг барчаси жаҳон саҳнасида яна бир ҳуқуқий давлатнинг юзага келишидан далолатдир.**

**— Вилоятимиз пойтахти Навоий шаҳрининг ташкил топганига яқинда 35 йил тўлади, — дейди шаҳар ҳокими. — Мустақил республикамизнинг давлат тили қонунларини бажариш, тўғриси, бизда бошқа вилоятларникига нисбатан анча мураккаброқ. Боиси, вилоятимизда, саноат корхоналари кўп бўлиб, унда турли миллат вакиллари, қардошлар ишлашади. Демак, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, байналмилалчилар ўртасида ўзаро алоқа воситаларини кенг йўлга қўйиш учун катта тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш лозим.**

**Дарвоқе, бизда ўзбек тили илмий-маърифий Марказ ташкил этилиб, бу марказда Навоий педагогика институтининг олимлари, илғор педагоглар ва мутахассислар жалб этилган. Яқинда эса ана шу марказнинг ташаббуси ҳамда шаҳримизнинг 35 ёшга тўлиши муносабати билан давлат тилини амалда қўллаш бўйича Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари ўртасида илмий-амалий конференция ўтказишни мўлжаллаганмиз...**

Ўзбек тили луғавий бойлигининг салмоқли қисмини атоқли отлар ташкил этади. Атоқли отлар турдош сўзлардан миқдоран кўп бўлса кўпки, аммо кам эмас. Ўзбекистон ҳудудидаги шаҳарлар ва қишлоқлар, овул, маҳаллалар, кўчалар, адир-яйловлар, тоғ ва қирлар, тепалар, чўллар, ҳовузлар, сув омборлари ва қудуқлар, қадимий қўрғонлар, қалъалар, саройлар, қароргоҳлар, қабристонлар, баъзи муқаддас қадамжолар, тарихий воқеалар, ҳодисалар, бадиий адабиёт ва санъат асарлари, илмий ва тарихий ёзма обидалар, образларнинг табиий ва рамзий номлари, кишиларнинг исмлари, лақаблари, тахаллуслар, муассасалар, идоралар, ижодий уюшмалар ва бирлашмаларнинг номлари, саноат ва ҳунармандчилик маҳсулотларининг махсус номлари, шахслар, нарсаларнинг атоқли отлари ва, ниҳоят, ўзбек уруғлари, қабилаларининг номлари ва бошқалар биздан уларнинг лисоний материалини синчковлик билан тўплашни ва илмий таҳлил қилишни, баҳолашни кутиб турибди.

Номшунослик (ономастика) юқорида қайд қилинган номларнинг барча кўринишларини ўрганувчи фандир. Ўзбек номшунослиги олдида турган вазифалар беҳисоб, ўта мураккаб ва кўпқиррали бўлиб, улар ҳақида бир неча соатлаб гапириш, махсус илмий ва таълимий курслар ўқиш мумкин. Шу сабабли биз бугун мунозарамизда Ўзбекистон жумҳуриятининг давлат тили талаблари билан боғлиқ ҳолда ўзбек номшунослиги соҳаси олдида турган баъзи долзарб муаммолар хусусида фикр билдирмоқчимиз.

Маълумки, ўзбек тили Ўзбекистон жумҳуриятининг давлат тили деб тан олинди ва бу қонун билан мустаҳкамланди. «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 24 ва 25-моддалари бевосита, 11, 12, 22, 23-моддалари билвосита атоқли отлар мақомига тааллуқлидир.

Давлат тили қонунининг юқорида қайд қилинган моддалари талабларидан келиб чиқиладиган бўлса, ўз номшунослиги (ономастика) олдида илмий-назарий, илмий-амалий ҳамда соф амалий муаммолар мавжудлиги маълум бўлади. Булар икки йўналишга эга: а) номшуносликнинг соф лисоний муаммолари, б) номшуносликнинг нолисоний муаммолари. Кейингисига атоқли отларни ижтимоий, маданий-маънавий, ахлоқий-эстетик нуқтаи назардан ўрганиш ва баҳолаш киради.

Ўзбекистон жумҳуриятининг давлат тили ҳақидаги Қонунни ўзбек тилшунослари олдига бир қатор назарий ҳамда амалий вазифаларни ҳал қилишни кўндаланг қилиб қўйяди. Қонунда ўзбекча жой номлари ва атоқли отлар «Ягона миллий шаклда берилади ва республика давлат тилида ёзилади» (24-модда) деб қайд қилинган. Бу талабни амалга ошириш бўйича ҳозирча нима қилинди? Дастлаб кўчалар, идораларнинг номини икки тилда ўзбек ва рус тилларида ёзиб қўйдик, кейинчалик уларни фақат ўзбекча ёзув билан алмаштирдик. Шунингдек, ҳозирда фамилия ва исмларни ҳар ким ўзича талқин қилмоқда ва ўзича ёздирмоқда. Фуқаролик ҳолатини қайд қилувчи идоралар, паспорт столлари тил «Қонуни»нинг моҳиятини етарли тушуниб етганича йўқ, улар кишиларга фойдали маслаҳатлар беришга шошилишмаяпти.

Ҳозирда биз давлат тили қонуни талабидан келиб чиққан ҳолда жой номларини фақатгина ўзбекча ёзиш (русча ёзилиши аҳамиятсиз деб қаралмоқда) ҳақида гапиряпмиз. Аммо номлар қандай қилинса тўғри ёзилади, деган савол устида бош қотирганимизча йўқ. Тилшунос ва номшуносларнинг галдаги муҳим вазифаси ўзбекча жой номларининг имловий асосларини чуқур таҳлил қилиш, уларнинг имло қоидаларини яратиш, ўзбек тили имло қоидаларида атоқли отлар имлосига ҳам муносиб ўрин ажратишдир. «Қонун»да «Исмлар, отаси ва фамилияларнинг ягона тўғри шакли махсус маълумотномаларда қайд этилади» (25-модда) дейилган. Бу талаб жой номлари учун ҳам тегишлидир. Номларнинг «ягона тўғри шакли»ни топиш учун уларнинг имловий-шаклий хусусиятларини назарий-лисоний жиҳатдан ўрганиш лозим бўлади. Мана шундан кейингина «Қонун»да қайд қилинган «махсус маълумотнома»ларни тайёрлаш мумкин. Бундай маълумотномаларга «Ўзбек исмларининг имло луғати», «Ўзбек топонимларининг имло луғати», «Ўзбек топонимлари луғати», «Ўзбек исмлари луғати» сингари келажакда яратилиши лозим бўлган китобларни киритиш мумкин.

Давлат тили қонунида қайд қилинган муҳим масалалардан бири ўзбекча исм, ота исм ва фамилиянинг, шунингдек, жўғрофий номларнинг ўзга тилларда ёзилиши ва аксинча, ўзга тилларга мансуб атоқли отларнинг ўзбекча ёзилиши муаммосидир. «Қонун»га кўра, «Ўзбекча исмлар, ота исм ва фамилиялар бошқа тилларда берилганида... уларнинг асл ёзилиши хусусияти сақланиб қолади». Бу назарий жиҳатдан тўғри ва муҳим талаб. Аммо амалий жиҳатдан бу талабни тўлиқ амалга ошириб бўлмайди. Аввало, бир нарсага аниқлик киритиш керак бўлади. Рус тилига, рус нутқи матнига кирган ном асли ўзбекча бўлса-да, у рус тилига ўзлашгач, лисоний материал сифатида қайси тилга мансуб бўлади, ном уни қабул қилувчи тил имконият ва талабларига бўйсунадими? Бунда рус тилининг ички имконият ва қонуниятлари асосий роль ўйнайдими ёки ўзбек тилининг хусусиятларими? Масалан, **Ўрин** — ўзбекча исм ва ушбу ёзилиш исмнинг миллий-имловий шаклидир. **«Урун»**, **«Урин»** эса ўзбекча исмнинг рус тилидаги ҳолати, русча имловий шаклидир. Бу ўринда қайси тилнинг қонун-қоидалари биринчи ўринда турмоғи керак? Ном мансуб бўлган тилнинг талабими ёки қабул қилувчи тилнинг қонуният ва имкониятларими? Масалан, таркибида **ў, қ, ғ, ҳ** товуш (ҳарфлари) бўлган номларни биз қанчалик талаб қилмайлик, бошқалар барибир ўшандай ҳарфлар билан ёзиш имконига эга эмас.

Ўзбекистон давлатининг бундан кейинги кўпқиррали халқаро алоқалари фақатгина Россия, Европа, шунингдек, Шарқдаги давлатлардангина иборат бўлмайди. Собиқ СССР таркибида бўлиб, ҳозирда мустақил давлат сифатида таркиб топаётган жумҳуриятлар билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилинади. Шу муносабат билан ўзбекча исм, ота исмларнинг, шунингдек, жой номларининг қозоқ, қирғиз, татар, бошқирд, туркман, озарбайжон тилларига кўп миқдорда кириб бориши шубҳасиз. Хўш, бу тилларнинг вакиллари бу номларни бизнинг давлат тилимиз «Қонуни»да талаб қилинганидек, «асл ёзилиш хусусиятини сақлаб» ёзадими ёки ўзларининг давлат тиллари «Қонун»ларига амал қилишадими?». Ҳар қандай ҳолда ҳам бизлар бир-биримизга бу масалада илмий ва амалий жиҳатдан кўмак беришимиз лозим. Бунинг учун эса жой номлари ва киши исмларига оид махсус имловий қўлланмалар, маълумотномалар яратишимиз лозим.

Атоқли отларнинг юқорида биз қайд қилган муаммолари ўзбек тилшунослигида ҳали мутлақо ўрганилган эмас. Ҳолбуки, давлат тили «Қонуни» қардош тилларга мансуб топонимларни ўзбек тилига мослаб ёзишни, киши исмларини эса манба тилнинг хусусиятларини сақлаган ҳолда рақам қилишни талаб этади...

**Эрнст БЕГМАТОВ,**
**Ўзбекистон ФА тилшунослик илмий-текшириш институти профессори.**

**ТАҲРИРИЯТДАН: улуғ бобомиз Мир Алишер Навоий номи билан юритилаётган вилоятда жонкуяр тилшуносларнинг бошлаган хайрли ташаббуси кўпчиликка маъқул келса керак, деб ўйлаймиз. Бўлажак конференцияга бағишланган тил ҳақидаги материаллардан айримларини қисқартирилган ҳолда фикрингизга ҳавола этамиз. Бу эса тилшунос олимларимиз эътиборидан четда қолмаса керак...**







Тошкентдаги 27-ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари машғулотлардан олган билимларини бевосита амалиётда қўллашлари учун етарли шароит мавжуд. Бичиш-тикиш, дурадгорлик цехларида улар турли кийим-кечаклар, стол-шкафлар тайёрлаш билан машғул бўлишмоқда.

**ТАСВИРЛАРДА:** билим юрти ўқувчилари амалий машғулотда.

**В. КРИЛЛОВ** суратлари.

# ИЖОД ВА МАҲОРАТ ЭГАСИ

**(Боши 1-бетда).**

З. Ёдгорова мактаб жойлашган маҳаллада таваллуд топган ва ушбу илм масканида 25 йилдан буён ўғил-қизларга устозлик қилаяпти. Шу сабабдан маҳаллада яшовчи каттаю кичикнинг хулқи-атворини яхши билади. Йиғилишларда ҳам одобли, икромли, оқила фарзанд ўстираётган оила саркорларига сўз берилади. Саркорлар бола тарбияси хусусидаги тажрибаларини тортинмасдан ўртоқлашадилар. Уларнинг ақидасига кўра фарзандларга қаттиққўл, талабчан бўлмоқлик лозим. У вақтида тарбияга, гоҳида эса эътиборга муҳтожлик сезади.

Маҳалла оқсоқолларининг маслаҳати билан икки-уч йилдан бери 127-мактабда ўғил-қизлар алоҳида-алоҳида ўқитиляпти. Ажратиб ўқитишнинг баъзи бир афзалликлари ҳам бор. Бироқ, унинг пировард натижалари юқори синфлардагина маълум бўлади.

Тараққиёт олдинга силжигани сайин ота-оналарнинг ўз фарзандига эътибори ошиб борар экан. Ҳозир Қушбеги, Бошлиқ мавзеларида яшовчилар ўқитувчилар, айниқса, бошланғич синф муаллимлари билими, савияси, дунёқараши билан қизиқаётирлар. Улар бошланғич синфлар бўйича ўқув ишлари мудири, 1-«А» синф ўғил болалар синфи ўқитувчиси Заҳро Ёдгоровадан ўз фарзандларини эндигина олий даргоҳни битириб қайтган ёш ўқитувчилар қарамоғига бермасликни сўрашади. Айни кунда илм масканларида нафақат ўқувчилар, ҳаттоки, ўқитувчилар ҳам сиртқи имтиҳондан ўтаётирлар, десак муболаға бўлмайди. Сараланиш жараёни ўқитувчининг ўз устида қаттиқ ишлашини талаб этади. Бу эса ўз-ўзидан ҳеч бир ҳужжатларсиз тоифаланишга олиб келади.

Илгари ўқитувчиларни тоифалашда баъзи муаллимларнинг мукофотларига, ўзини кўрсата билиш, сўзамоллик, раҳбарга ёқа олиш «фазилат»ларига кўп эътибор берилган кўринади. Жойларда бўлганимизда ўқитувчиларнинг шу хусусдаги гапларини аҳён-аҳёнда эшитиб қоламиз. Бироқ бошланғич синфлар бўйича ўқув ишлари мудирлигини ҳамда ўқитувчиликни уйғунлаштириб олиб бораётган З. Ёдгорова мулоҳазаларида бундай далиллар учрамади. Балки у мактабнинг бошланғич синфлар метод бирлашмаси бошлиғи Х. Бобохўжаева билан биргаликда ёш мутахассислар — К. Пўлатова, К. Мардоноваларни мутахассис-ўқитувчиликдан иккинчи тоифага, иккинчи тоифадаги муаллималар — М. Отаева, М. Қаюмоваларни биринчи тоифага тавсия этиш тараддудида юрибди...

Ижодкор ўқитувчи билан хайрлашаётиб, мактаб директори Фазлиддин Жамолов билан бир лаҳза мулоқотда бўлишга тўғри келди.

— Дарс бериш ва маҳорат жиҳатидан грузиялик таниқли педагог Ш. А. Амонашвилидан қолишмайди, — деди у опа ҳақида гапириб.

Директорнинг фикрларига қўшилган ҳолда шуни таъкидламоқчиманки, иккала педагогнинг олти, етти ёшлиларни ўқитиш, ўргатиш борасидаги услублари, уларга таълим берадиган ўқитувчиларнинг дунёқараши ҳақидаги фикрлари ҳамоҳанг бўлиши мумкин. Лекин бу қиёсий тавсиф ўринлимикин. Чунки ўзбек аёлларидаги меҳр ва сеҳр, маъсумалик ва иффатлилик, одоблилик ва икромлилик, шунингдек, болаларга бутун жонини фидо этиш фазилатлари, хислатлари уларда нечоғли устун эканлигини айтиш жуда қийин.

Шуниси аёнки, бизда андишали, тортинчоқ, одоб сақлай билган ўқитувчиларнинг меҳнати вақтида юзага чиқмаган ва энди бундай фидойиларни юзага чиқаришнинг, илло, улар шаънига бир оғиз ширин сўз айтишнинг пайти келди. Шу нуқтаи назардан ҳам биз жажжиларнинг севимли опаси — тиниб-тинчимас, изланувчан муаллима — ўқувчиларни чарчашдан асрайдиган **дам олиш бекатлари** ижодкори З. Ёдгорованинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида таҳлилий фикр юритдик. Зеро, мустақил Ўзбекистонда Заҳро опа сингари ижодкор ўқитувчилар жуда кўп...

**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,**
**«Маърифат»нинг мухбири.**

*ХОТИРА*

# МЕВАЛИ ДАРАХТ

**1969 йил. Айни саратон. Талабаликка даъвогар биз бир гуруҳ ёшлар ҳадик ва ҳаяжон оғушида дорилфунун остонасига илк қадам қўйган кезлар. Табиийки бундай пайтда ким— кириш имтиҳонларидан ўтган, ким— на у ёқли, на буёқли— муаллақ қолган, кимлардир— йиқилган. Ниҳоят, ғалвир сувдан кўтариладиган пайт ҳам етиб келди. Бу лаҳзаларнинг ҳаяжонини таърифлашга қалам ожизлик қилади. Буни талабалик остонасидан ҳатлаган, унинг азият ва ҳаяжонини бошидан кечирган кишигина, билъакс, қалбан идрок этади.**

Бу лаҳзаларга урғу беришимдан мақсад — мен номини ҳозир эҳтиром билан тилга олмоқчи бўлган руҳи пойига Аллоҳдан раҳматлар ёғилгур устозимни ўша олтмиш тўққизинчи йилнинг ёзида кашф этганман. У биз тенги ижодкорларнинг деярли ҳаммасига устозлик қилган десам, хато бўлмайди. Аслида ҳам шундай. Тўғон Эрназаров паст бўйли, қорачадан келган, зуваласи пишиқ — сувратида ҳам, сийратида ҳам ғайрат шижоати жўш уриб турадиган ўктам инсон эди. Минг афсуски, эндигина қутлуғ 60 ёшини нишонлаб, олтмиш биринчи баҳорга пешвоз чиқаётган бир пайтда ёвуз ўлим унинг ҳаёт эшигини бешафқат тақиллатди. Мана, қарийб ўн йилдирки, у орамизда йўқ. Нафсиламбрини айтганда, уни ҳаётдан кўз юмди деб айтишга асло тил бормайди. У ҳамон дуркун-дуркун шогирдларининг сафида жангчи, журналист, шоир, олим ва мураббий сифатида ўктамона қадам ташлайди. Ана у ўз гавдасидан ўн чандон, юз чандон ошиб тушадиган шиддати билан дорилфунун майдонидан келаяпти. Нигоҳида йиллар силсиласининг қувончию изтироблари акс этади. Пешонасида йилларнинг билинар-билинмас нуқси бор.

Одатда, устозларни мевали дарахтга қиёс этишади. Чинданам, бугунги кунда нуфузли маҳкамадан тортиб телевидение, радио, журнал ва газета таҳририятларида у кишининг шогирдлари хизмат қилишади. Устознинг қўлларини толиқтирган қалам дуркун ижодкор — шогирдлар қўлида ҳаётни иншо айлаяпти. Улар гоҳ мозийга қайтиб, гоҳ бугуннинг ёхуд келажакнинг ўткир нигоҳи билан қалам тебратишаяпти. Устоз ана шу сафда.

«Тўғон ака мансуб бўлган авлод зиммасига мамлакатимиз тарихининг ҳамма муҳим ва масъул босқичлари — завқли ва фараҳбахш, шиддатли ва ғазабнок, тикланиш ва бунёдкорлик, янги-янги марралар, сарбаланд чўққиларни эгаллаш йилларида фаол иштирок этиш вазифаси тушди». Бундан ўн йил муқаддам, домланинг 60 йиллик тўйи арафасида ёзилган «Тўйхат»да юқоридаги сатрлар келтирилиши бежиз эмас. Унинг биринчи шеъри «Ленин учқуни» ҳозирги «Тонг юлдузи»да чоп этилганда болаликнинг завқли ва фараҳбахш манзараларини чизган эди. Йиллар ўтиб, у ғазабнок тўнини кийган шеърий сатрлар битди. Фронт чизиғи бўйлаб оғир жангларда қатнашди, гоҳ қурол, гоҳ қалам билан олис йўлларни босиб ўтди. Ҳарбий мухбир сифатида жанговар қаламини қўймади. «Жангчи қалби» (1975), «Окоп сатрлари» (1980) «Тоғлар орасида» (1978) ҳикоялар тўпламлари ва жанговар мавзудаги кўплаб мақола ва лавҳалари ўша суронли йилларнинг маҳсулидир. Рисолалари, ўқув қўлланмалари ва дарсликлари ҳам беқиёсдир. Бу энди унинг олим ва устоз мураббий сифатида жамоатчиликка кенг танилганлигидан дарак беради.

Дарҳақиқат, олимнинг заҳматли меҳнат йўли фан даргоҳлари билан чамбарчас боғлиқ. У кўп йиллар (1957—1967) Тошкент собиқ Олий фирқа мактабида самарали меҳнат қилди. Бу ерда журналистика бўлимини, Тошкент давлат дорилфунунида журналистика куллиётини ташкил этишга муносиб ҳисса қўшди. Унга раҳбарлик қилди. 1977 йилдан то умрининг охиригача «Матбуот назарияси ва амалиёти» кафедрасининг мудири бўлиб ишлади. Дорилфунунда чиқадиган кўп нусхали «Тошкент университети» газетасига жамоатчилик асосида муҳаррир пайтида бошловчи ижодкорларнинг парвозига шу ерда оқ фотиҳа берди.

Не бахтки, мен ҳам устознинг мурувватидан баҳраманд бўлган ижодкорлардан бириман. Аммо ҳеч қачон устозимнинг фано айрилиғига атаб шеър ёзаман деб ўйламаган эдим. Устозимиз — профессор Тўғон Эрназаровнинг таваллудига 70 йил тўлган кунлар «Мевали дарахт» сарлавҳали шеърим изтироблар туйғусидан хотира эъзози бўлиб қоғозга кўчди.

Мевали дарахтнинг шохлари
ларзон...
Сиз шундай дарахтга
эдингиз қиёс.
Наҳот, бевақт келиб бир
барги хазон,
Гўё рўё бўлиб туюлса
қуёш?!
Биз заким, мумтоз деб олар
эдик тан
Ва танти билардик табиатни
ҳам.
Сиз бугун мангулик уйқуда,
зотан,
Ҳамон davраларда Сиз
борсиз — ўктам!
Устоз — шогирдларга ўзи
бир давлат,
Устоз— қуёш янглиғ боқий
бир умр.
Курашчан умрингиз иқболга
даъват,
Сиздан келажакка
меросдир шуур.
Шеър эмас, нур эмас
оппоқ қоғозга —
Андуҳлар тўкилгай бу кун
қаламдан.
Хотира эъзози — ҳурмат
устозга,
Сиз пойдор қолгайсиз
мангу оламда!!

**Абдулла ТУРДИЕВ, шоир.**

*Нуқтаи назар*

# МОЗИЙ КЎПРИКЛАРИ

Саксонинчи йиллардан эътиборан халқаро муносабатларда катта ўзгаришлар юз берди. Энг муҳими, янгича сиёсий тафаккур пайдо бўлди ва у жаҳон бўйлаб ёйилди. Бу жараён Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги мактабларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бунинг натижаси ўлароқ, халқ таълими тизимидаги таълим-тарбия йўналишини ўзгартиришга қаратилган ҳар хил фикрлар пайдо бўлди. Улар ичида инсоннинг камолоти унинг олган таълимига боғлиқ деб, европача таълим-тарбия тизимини миллий асосга кўчириб ўрнатиб, уни эскича тамойиллар бўйича бошқаришни тарғиб қилувчилар ҳам, рус педагогикасини четлаб ўтиб ўзбекона таълим-тарбия тизимини бевосита Марказий Европа педагогикаси билан боғлаб юбориш ғоясини илгари сурувчилар ҳам йўқ эмас. Уларнинг назарида ўзбек халқ педагогикасига яқин ва деярли ўхшаш бўлган турк миллий педагогикаси бу ерда «олтин кўприк» вазифасини ўтайди.

Ҳозир одамларнинг турмуш тарзида, руҳиятида, маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришда ислом омили кўпроқ намоён бўлмоқда. Аслида ҳам умуммиллий, асосан маънавий-маданий қадриятларимиз ислом олами қадриятлари билан бирлашиб кетган. Баъзи бир кишилар ҳодисанинг мазкур ҳалқаси ўзбек миллий педагогикасининг асоси бўлиши мумкин, деб ўйлашади. Уларнинг қарашларида жамиятга фойдаси тегувчи ижобий элементлар ҳам талайгина. Булар ёлғон ва риёкорликдан покланишга, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга кўмаклашади.

Рўйи-рост айтганда, республика умумтаълим мактабларидаги таълим-тарбия тизимининг йўриғи ҳам умуминсоний қадриятларнинг маданий-маънавий ҳодисаси ҳисобланади. Аммо давлат унинг зиммасига келгусида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги устиворлигини таъминлайдиган ва уни қўлларида тутиб тура оладиган етук билимдон кишилар авлодини тарбиялаш вазифасини юклаб қўйган. Буни унутмаслик керак. Аслида, аниқ-равшан воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, ўша мамлакатнинг ўзига хос шароитдагина ижобий натижа беради.

Ўзбек диёрида, тарихда кўп марта бўлганидек, яна янгидан ўзимизнинг бетакрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳими, инсонларга керакли ўз миллий қадриятларимизнинг барпо этилиши учун ҳаракат қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг масалага бир томонлама ёндашиш одатларидан воз кечиб, **умумбашарий қадриятлар** республикамизнинг миллий давлатчилик манфаатларига, халқимизнинг ўзига хослигига, унинг анъаналарига тўла мос келишини ҳисобга олиб, Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли бўлгани каби республиканинг халқ педагогикасига асосланган ўз миллий таълим-тарбия тизими бўлиши керак, демоқдалар. Бундай фикр эгалари асосан кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг мақсади жамиятимизни очиқ жамиятга айлантириш учун,... республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун (И. Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». Тошкент «Ўзбекистон», 1992 йил 13-бет) Ўзбекистон Халқ таълими тизимининг ривожланиш йўлларини умумжаҳон педагогикасининг ривожланиш тенденцияси билан боғлаб олиб боришдан иборат. Республика Президенти ва ҳукумати катта иқтисодий чиқимлар эвазига бўлса-да, бунга эришиш йўлларини излашмоқда. Ҳозирги пайтда минглаб ўзбек йигит-қизлари жаҳоннинг илғор мамлакатларида таълим-тарбия олмоқдалар, етакчи мутахассислар чет элларда бўлиб, тажриба алмашиб қайтмоқдалар, чет элдан ҳам Ўзбекистонга мутахассислар таклиф қилинмоқда.

Ўтган йилларнинг оғир асоратини бартараф этадиган, инқироздан чиқиб олишга кўмаклашадиган, ривожланган мамлакатлар қаторига кириш имконини берадиган тўғри йўл шу йўл бўлиб қолса ажаб эмас.

Мазкур мақолада биз кўпчиликнинг илғор фикрларига қўшилган ва уни қўллаб-қувватлаган ҳолда жумҳурият умумтаълим мактабларида тарих курсини ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини ҳамда ўқитиш тартибини тамомила қайта қуриш ғоясини илгари суришни мақсад қилиб қўйдик. Шуни айтиш кераккки, аниқ фанларнинг ўрганувчи соҳаси (предмети)га келганда, у жаҳон илм-фани тараққиёти эришган сўнгги ютуқлар билан маълум даражада суғорилган ва бу фанлар предметидаги ўзаро тенглик шу тариқа таъминланган. Эндиги вазифа мазкур фанларни ўқиш-ўқитишнинг хусусий ҳолатидаги тенгликни таъминлашдан иборат. Ижтимоий фанлар, хусусан, тарих фанини яратиш ва уни ўқитиш олдида турган вазифалар бутунлай бошқача. Бунда, энг аввало, Ўзбекистон тарихи фанининг предметини умумжаҳон халқлари тарихи предмети билан тенглигини таъминлаш асосий, бош вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институтининг академик А. Асқаров раҳбарлигида бир гуруҳ тарихчи олимлари томонидан яратилган кўп жилдлик «Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг биринчи жилдида ўзбек халқи тарихининг ана шу ҳолати археологик далиллар, чуқур илмий-назарий таҳлиллар асосида биринчи марта тавсифлаб берилган. Эндиги вазифа ана шу кўп жилдлик тарихимиз асосида республика умумтаълим мактаблари учун янги типда дастур ва дарсликлар яратишдан иборат бўлиб, улардаги таълим-тарбиянинг етакчилик даражаси методист олимлар билан илғор ўқитувчиларнинг ижодий изланишлари орқали амалга ошиши мумкин. Бунда асосан нималарга эътибор бериш керак? Ишни энг аввало «Ўзбекистон халқлари тарихи»ни 5-синфдан бошлаб рўйи-рост ўрганишга ўтишдан бошлаш зарур. Чунки Халқ таълими вазирлигининг кўрсатмаси бўйича тарих курсидан маълум билим ва тушунчалар бериш асосий мактабда, яъни 5—9-синфларда амалга оширилади. Шунинг учун мазкур босқичда тарих фанининг ҳар иккала курси — «Ўзбекистон халқлари тарихи» ва «Умумжаҳон тарихи» ёнма-ён ҳамда бир-бирига мувофиқ тарзда ҳамоҳанг ўқитилиши керак.

Халқ таълими вазирлигининг «Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг концепцияси»да таъкидланишича, ўқувчиларнинг илмий ва бадиий тафаккур қилиш, ижодий фикрлаш, фан асосларидан изчил билим олиш қобилияти асосий мактабда шаклланади. Асосий мактабнинг хизмат вазифалари 5—9-синфлардаги тарих курсларининг мазмуни ва хусусиятларини ҳам белгилаб беради. Бунда, биринчидан, «Ўзбекистон халқлари тарихи» ва «Умумжаҳон тарихи» курси республика умумий ўрта таълим тизимида тарихий билимлар мазмунини ташкил этган бўлиши керак. Асосий мактабдаги доимий тарих курси ўқувчиларни касб-корига йўналтириши мумкин бўлган тарихий билимларнинг энг зарур қисмини бериш лозим.

Иккинчидан, асосий мактаб олдига қўйилган вазифаларни ҳисобга олиб, «Ўзбекистон халқлари тарихи» ва

